



ARTICLE INFO

Received: 14th July 2023

Accepted: 21th July 2023

Online: 22th July 2023

KEY WORDS

Экспертиза, жиноят
процесси, Эксперт,
Экспертиза хулосаси.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЭКСПЕРТИЗА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАМДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Бобохонов Акрамхон

Судьялар олий мактаби тингловчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8173775>

ABSTRACT

Ушбу мақолада жиноят процессида экспертиза институтини такомиллаштириш истиқболлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ушбу соҳада миллий қонунчилик ҳамда хорижий тажриба ҳақида фикр юритилади.

КИРИШ

Экспертиза институтини ривожлантириш ва улардан жиноятларни тергов қилишда фойдаланиш дунё мамлакатлари олдида турган муҳим масалалардан бири саналади.

Масалан, АҚШнинг бир қатор тадқиқот марказлари ҳамкорликда экспертиза институтини такомиллаштиришга қартилган “Америка қўшма штатларида суд экспертизасини мустаҳкамлаш: олдинга йўл” деб номланган дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда экспертиза институтини такомиллаштиришга қаратилган бир неча йиллик истиқболли режа ишлаб чиқилган. Унга кўра экспертиза институтининг ҳозирги кундаги ҳолати, унда мавжуд камчиликлар, келажакдаги истиқболлари таҳлил қилинган. Экспертиза институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни белгиланган.1

Ушбу дастурга мувофиқ, 2005 йил 22 ноябрдаги илмий давлат агентликлари, адлия агентликлари, тижорат агентликлари тўғрисидаги АКТ2 ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари муҳокама қилинган.

Унга кўра Суд экспертиза қўмитаси олдида бир қатор вазифалар қўйилган:

- (1) ҳозирги кундаги экспертиза муассасаларига бўлган мурожаатлар ва уларга бўлган эҳтиёж даражасини аниқлаш;
- (2) турли экспертиза муассасалари учун техника, технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- (3) илмий тадқиқот натижаларининг экспертиза институтини такомиллаштиришга қаратиш ва улардан унумли фойдаланиш;
- (4) турли экспертларни билими ва тажрибасини ривожлантиришга қаратилган дастурларда қатнашиш ва ўз савиясини ошириш тизимини шакллантириш;
- (5) далилларни йиғиш тизимини ўзида ифода этувчи энг илғор тажрибалар ва қўлланмаларни шакллантиришни ўзида ифода этади.



Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг стратегик шерикларидан бири Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигида экспертиза ва экспертга бағишланган жами 17 та модда мавжуд бўлиб, улар ўзида мазкур институтнинг муҳим жиҳатлари мужассам этган. Эксперт ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир моддада (57-модда) мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси эса, эксперт тушунчаси ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида моддаларда (67-68-моддалар) баён қилинган.

РФ ЖПКда ЎЗР ЖПКдан фарқли равишда экспертни рад этишга бағишланган 70-моддада “материаллари ишнинг қўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув ўтказган шахс ушбу ишда эксперт сифатида иштирок этишга ҳақли эмас” деган мазмундаги қоида ўз аксини топмаган.

Эксперт ва мутахассиснинг хулосаси ва кўрсатувларига оид алоҳида қоидаларнинг мустаҳкамланганлигини (80-модда) унинг ижобий жиҳати

сифатида баҳолашимиз мумкин бўлиб, ушбу ижобий тажрибадан миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришда унумли фойдаланишимиз мумкин. Шу маънода, фикримизча, ЎЗР ЖПКнинг экспертиза хулосаси деб номланган 184-моддасига кўшимча равишда янги 1841-модда киритиб, унда эксперт кўрсатуви ҳақида маълумот бериш мақсадга мувофиқ. Зотан, қонунчилигимизда эксперт кўрсатуви билан боғлиқ қатор масалалар очиқ қолган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 1841-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш зарур:

“1841-модда. Эксперт кўрсатуви. Эксперт кўрсатуви – эксперт хулосаси тақдим қилинганидан сўнг, ушбу хулосадаги ҳолатларни тушунтириш ва айрим жиҳатларни аниқлаш юзасидан берилган кўрсатув. Эксперт ёлғон кўрсатув берганлиги учун жинойий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади”.

Бизнинг фикримизча, шу ҳолатдан келиб чиқиб эксперт кўрсатувини далил қаторига киритиш ҳамда бу ҳолатни ЖПК 81-моддасида “экспертнинг хулосаси” сўзларидан кейин “кўрсатуви” сўзини киритиш орқали мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Чунки гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари сингари экспертнинг кўрсатуви ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

РФ ЖПКнинг 27-боби бевосита суд экспертизасини ўтказишга бағишланган бўлиб, мазмунан ЎЗР ЖПКдаги “экспертиза” деб номланувчи 22- бобдан фарқ қилади. Хусусан, унинг 196-моддаси экспертиза тайинланиши шарт бўлган ҳолатлар деб номланиб, унда тўртта асос кўзда тутилган. Гарчанд, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатларга бағишланган ЎЗР ЖПК 173-моддаси мазмун ва шакл жиҳатдан РФ ЖПК 196-моддасидан кенгроқ ва мукамалроқ (ЎЗР ЖПКда тўққизта асос) бўлсада, ҳатто улар ҳам ҳозирги замонавий фан-техника ютуқлари ривожланиши тенденцияси талабларига жавоб бермаяпти. Шу сабабли, юқоридаги ушбу ҳолатлар рўйхатини кенгайтириш зарар бўлиб, бу ҳақдаги таклифларимизни кези келганда кейинги бобларимизда қайд этиб ўтаемиз.

РФ ЖПК 197-моддасида кўзда тутилган терговчининг суд экспертизасида иштирок этиши билан боғлиқ қоидалар ЎЗР ЖПКда ўз аксини топмаган. Мазкур нормага мувофиқ, терговчи ҳам экспертиза жараёнида иштирок этиб эксперт



томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларни, уларни изоҳини ва ўзини қизиқтирган бошқа ҳолатларни сўраши мумкин ҳисобланади. Бу ҳолат ўз навбатида экспертиза хулосасида ўз ифодасини топиши талаб қилинади.

Ўзбекистон суд-тергов амалиётида эса, терговчининг экспертиза ўтказиш жараёнида қандай ваколатларга эга бўлиши масаласи очиқ қолган бўлиб, бу қатор чалкашликларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизга терговчи ёки судья экспертиза жараёнида иштирок этиб эксперт томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларни, уларни изоҳини ва ўзини қизиқтирган бошқа ҳолатларни баённи сўраши мумкин деган мазмундаги қўшимча киритиш лозим.

РФ ЖПК 198-моддасида эса, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари мустаҳкамланган бўлиб, таассуфки бизнинг қонунчилигимизда фақатгина гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари кўзда тутилган. Фикримизча, бу жабрланувчи ва гувоҳнинг мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Бизнинг фикримизча, мазкур нормага гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг ҳам экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқларини киритиш мақсадга мувофиқ. Зотан, жиноят процесси иштирокчилари учун тенг имкониятлар яратиб берилиши зарур.

РФ ЖПК 199-моддаси экспертизага жиноят материалларини юборишга бағишланган бўлиб, унда берилган маълумотлар тўлиқ бўлмаганда, муассаса раҳбарининг ишни қайтариши мумкинлиги ва умуман терговчи, суд томонидан тадқиқот учун юборилган объектларни қайтариш ва унинг асослари баён этилган. Таъкидлаш ўринлики, мазкур нормадаги қоидалар ЎЗР ЖПКда турли моддаларда тарқоқ ҳолатда берилиши билан тавсифланади.

Хулоса қилиб айтганда, Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигида экспертиза институтига оид қоидалар бир қадар тизимли ҳолатда тартибга солинган бўлиб, унинг айрим илғор ғояларидан миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизнинг экспертизага оид нормаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Эстония ЖПКда4 эса, экспертиза билан боғлиқ муносабатлар 13 та моддада тартибга солинган. Чунончи, унинг 58-моддаси “Экспертиза” деб номланиб, унда экспертиза тайинлаш учун асослар ва экспертиза ўтказилиши шарт бўлган ҳолатлар ўрин олган. Мазкур нормаларни тўлиқ ва мукамал дея олмаймиз, зеро унда экспертиза асослари ва ўтказилиш шарт бўлган ҳолатларнинг ҳаммасини ҳам қамраб олинмаган.

Эстония ЖПК 59-моддасида эксперт ва унинг хулосаси ҳақида сўз боради. Ушбу норма содда тарзда акс эттирган бўлиб, ўзида эксперт тушунчаси ва хулоса мазмуни ва тартибини ифодалайди.

Эстония ЖПК 60-моддаси эксперт ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида бўлиб, миллий қонунчилигимиздаги каби нисбатан тўлиқ ва атрофлича тартибга солинмаган бўлиб, умумий қоидалар кўринишига эга. Жумладан, экспертнинг мажбурияти фақатгина терговчи, судья талабига асосан этиб келиш, ёлғон хулоса берганлик учун жиноий



жавобгарликка тортилиши мумкинлиги берилган холос. Ҳуқуқлари ҳам жуда кам бўлиб, тўрт бандда ифодаланган.

Қирғизистон ЖПКда5 эса, экспертиза институтини тартибга солиш учун 22 та модда ажратилган. Кодекснинг 62-моддаси эксперт ҳақида бўлиб, мазкур нормага мувофиқ, эксперт ЎЗР ЖПКдан фарқли равишда процесс иштирокчиси бўлган тарафлар томонидан терговчи ёки суднинг рухсатисиз чақирилиши демакки, экспертиза терговчи қарори ва суд ажримисиз эркин

тарзда чақирилиши мумкин ҳисобланади. Ушбу моддада экспертга ҳуқуқий масалалар бўйича савол берилиши мумкин эмаслиги акс этган бўлиб, фикримизча ЎЗР ЖПКда ҳам шундай қонданинг киритилиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, ЎЗР ЖПК 172-моддаси иккинчи қисмидан сўнг “ҳуқуқий масалалар юзасидан экспертиза тайинлаш ва экспертга саволлар бериш тақиқланади” деган таҳрирда қисм киритиш зарур.

Қирғизистон ЖПКнинг экспертни рад этиш (78-модда), эксперт хулосасига (84-модда) бағишланган нормалари ЎЗР ЖПК нормалари билан мазмунан бир хил.

Шунингдек, Қирғизистон ЖПКнинг “Экспертиза ўтказиш” деб номланувчи 25-бобининг 199-моддаси экспертиза тайинлашга бағишланган. Мазкур норманинг ўзига хослиги шахснинг психологик ҳолати бунга имкон бермаса, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор унга таништирилмаслигини кўзда тутувчи қондани ифодалашда намоён бўлади. Зотан, ушбу мазмундаги нормани бошқа МДХ мамлакатлари ЖПКларида учратмаймиз.

Қирғизистон ЖПКнинг экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатлар (200-модда), терговчининг экспертиза ўтказиш жараёнидаги иштироки (201-модда)га оид ва бошқа нормалари РФ ЖПКдаги шу мазмундаги нормалар билан бир хил бўлганлиги сабабли уларга алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз.

Арманистон ЖПК6 1998 йил 1 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг 85- моддаси эксперт тушунчасига бағишланган. Унга мувофиқ, эксперт – маълум бир фан тармоғи, техника, санъат, касб соҳасидаги махсус билимига таяниб хулоса чиқарадиган, жиноят ишидан манфаатдор бўлмаган ва тегишли экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида жиноят ишига ёрдам берувчи шахсдир. Эксперт маълум бир фан тармоғи, техника, санъат, касб соҳаси бўйича махсус билимга эга бўлиши талаб қилинади.

Ҳуқуқий масалалар юзасидан эса эксперт жиноят ишига жалб қилинмайди. Экспертнинг мажбуриятлари борасида ЎЗР ЖПКда кўзда тутилмаган алоҳида жиҳатларига тўхталиб ўтамиз. Зеро, ушбу ЖПКда эксперт мажбуриятлари ўзига хос хусусиятларга эга:

- 1) жиноят ишини кўраётган органга махсус билимини тасдиқловчи тегишли ҳужжатни тақдим этиш;
- 2) агарда унинг билиши лозим бўлган ва фаолият доирасидан четга чиқадиган бўлса, мазкур ҳолатларда хулоса беришни рад этиш ва берилган маълумотлар етарли бўлмаса бу ҳолат ҳақида маълумот бериш;
- 3) нафақат тегишли орган томонидан берилган саволларга балки ўзи билган ва берилиши лозим деб топган қўшимча ҳолатларни ҳам ойдинлаштириши;
- 4) тегишли экспертиза тайинлаган органнинг талабига мувофиқ харажатлар сметасини ва сарфланган харажатлар ҳақида маълумот бериш; 5) тегишли органнинг



талаби билан ўзининг махсус билимлари доирасига нималар кириши ва қайси фаолият билан шуғулланиши ҳақида маълумот бериш ва бошқа жиноят иши иштирокчилари билан муносабати юзасидан тушунтириш бериш; б) тергов ва суд тергов ҳаракатлари ёки муҳокама жараёнида суд залида тегишли органнинг рухсатисиз ўша жойни тарк этмаслик; 7) суд, прокурор, терговчи, суриштирувчининг қонуний талабларига риоя қилиши керак. Ҳуқуқий масалалар юзасидан эса, эксперт жиноят ишига жалб қилинмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Арманистон қонунчилиги инсонпарвар руҳда ва асосийси, экспертизага алоҳида эътибор берган ва асосий далил манбаи сифатида баҳолаган ҳолда ёзилган.

2003 йилги Молдова ЖПКнинг 7-14-моддаси экспертиза ўтказиш, 88-моддаси экспертга бағишланган бўлиб, унга кўра, эксперт жиноят иши боришидан манфаатдор бўлмаган, махсус билими доирасида хулоса бера оладиган шахсдир. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам айнан шу моддада берилган бўлиб, бизнинг ЖПКдаги эксперт ҳуқуқ ва мажбуриятларига ўхшаш. Кодекснинг 7-бўлими экспертиза ўтказиш ҳақида бўлиб, унинг

142-моддаси экспертиза тайинлаш ва ўтказиш деб номланган. Унга кўра, экспертиза далил аниқланиши ва топилиши учун махсус билимлар талаб қилинганда ўтказилади ҳамда судьянинг мазкур билимга эгаллиги экспертиза ўтказишни истисно этмайди. Экспертлар билими доирасида экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарорда акс этмаган, аммо ёритилиши лозим, деб топилган ҳолатларни ҳам хулосасида баён қилиши талаб қилинади.

Молдова ЖПК 143-моддасида экспертиза ўтказилиши шарт бўлган ҳолатлар олти бандда қайд этилган бўлиб, бизнинг қонунчилигимиздаги (ЎЗР ЖПК 173-моддада) таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини, гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг турлари мавжудлиги, пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар қалбакилаштирилганлигини, портлашлар, ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини аниқлаш зарур бўлган ҳолатлар ўз ифодасини топмаган. Молдова ЖПК 144-моддаси экспертиза ўтказиш тартибига бағишланган бўлиб, экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор, эксперт ташаббуси билан хулосани бойитиш, экспертиза тайинлаш асослари ўрин олган. Ушбу кодекс 150-моддаси экспертиза муассасасида экспертиза ўтказилишига бағишланган бўлиб, унинг иккинчи қисмида экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши ва ёлғон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилганидан кейин шу ҳаракатларини амалга оширганлигини кўрсатувчи имзоси билан тасдиқланиши баён қилинган. Шу зайлда экспертнинг хулосаси ва кўрсатувлари қарор ва баённомага киритилади.

Агарда экспертиза тарафлардан бирининг ташаббуси билан экспертиза ўтказиладиган бўлса, унда эксперт ва шу жиноят процесси иштирокчиси ўртасида шартнома тузилади. Ўша томон экспертга аниқланиши ва тадқиқ қилиниши керак бўлган саволларни тақдим қилади.



Миллий қонунчилигимизда эса, жиноят процессидаги ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган тарафлар томонидан экспертиза ўтказиши юзасидан ўзининг мурожаати орқали экспертиза ўтказилишига йўл қўйилмайди. Фикримизча, мазкур имкониятни бизнинг қонунчилигимизда экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши шарт бўлган ҳолатлардан ташқари бўлган экспертизаларда процесс иштирокчилари бўлган тарафлар ва уларнинг адвокатларига ҳам бериш лозим. Бу ўз навбатида адвокатнинг далил тақдим қилиш ҳуқуқларини таъминлаш учун хизмат қилади.

Энг асосийси, адвокатнинг мустақиллик принципининг тахминланишига хизмат қилади.

Молдова ЖПК 153-моддаси экспертни сўроқ қилиш ҳақида бўлиб, унинг 2-қисмида эксперт ўз хулосасини тақдим қилмасдан ва ундаги маълумотларни ўрганмасдан сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган. Ушбу қонундан амалдаги ЖПК 186-моддасига 2-қисм сифатида киритиш терговчи ва судьяларнинг экспертни хулоса бермасдан туриб сўроқ қилишининг олдини олади.

2000 йил 14 июлдаги Озарбайжон ЖПК10 миллий жиноят-процессуал қонунчилигимиздаги экспертизага оид нормаларга жуда яқин. Аммо Озарбайжон ЖПК экспертиза хулосаси деб номланувчи 271-моддаси биринчи қисмида бизнинг қонунчилигимизда мавжуд бўлмаган хулоса бериш муддати ифодаланган. Мазкур муддат 1 ойни ўз ичига олиб, унинг бошланиши терговчи ёки суднинг қарори ёхуд адвокат ёки томонларнинг экспертиза ўтказиш ҳақидаги мурожаати етиб келиши билан белгиланади, эксперт ўзининг хулосасини етказгунга қадар бўлган муддатни ўз ичига олади. Бизнингча, экспертиза ўтказишни муайян муддат билан чегаралаш унинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, аммо бу ҳолатда терговнинг умумий муддатидан ҳам чиқиб кетмаслик талаб қилинади.

Япония ЖПКнинг 12-бўлими экспертиза деб номланиб, унинг 165-174-моддалари айнан ушбу тергов ҳаракатига бағишланган. Унинг 165- моддасига кўра, суд махсус билим ва амалий тажрибага эга шахсни эксперт сифатида тайинлай олади (дастлабки тергов давомида экспертиза ўтказиш учун тергов органи томонидан махсус мутахассисга экспертиза ўтказиш масъулияти юклатилиши мумкин). 166-модда эксперт қасами деб номланиб, унга кўра эксперт виждонан ўз тадқиқотини бажариши юзасидан қасам ичиши шарт ҳисобланади. 167-модда экспертиза учун ушлаб туришга бағишланган бўлиб, унга кўра айбланувчининг руҳияти ёки танаси билан боғлиқ экспертизани ўтказиш заруратидан келиб чиқиб, суд маълум бир вақт давомида уни ушлаб туриш тўғрисида, унинг қайси касалхонага жойлаштирилиши ҳақида акт чиқаради. 168-моддага кўра, эксперт зарур ҳолатларда судьянинг рухсатини олган ҳолда шахсни уйида, яъни айбланувчига уй қамоғи қўлланилганда ёки очиқ сув ҳавзалари бўлса, кемада шахс танасини кўздан кечириши ва экспертиза ўтказиши мумкин. Эксперт айбланувчининг уйига киришида ўз рухсатномасини кўрсатиши талаб қилинади, ушбу ҳаракатларни суд жараёнида амалга оширганда эса, рухсатномасиз экспертизани ўтказишига йўл қўйилади¹¹.

Хитой жиноят процессуал кодекси 9 бўлим, 225 та моддадан иборат бўлиб¹², унинг 28-моддасига асосан суд, прокурор, тергов органларининг гувоҳ, эксперт, ҳимоячи бўлиб мазкур иш бўйича иштирок этганлиги жиноят ишининг қонуний ва



адолатли ўтказилишига ҳалақит беришини инобатга олиб ўзи ёки процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан рад қилиниши керак.

Жинойят-процессуал кодекснинг 5 бўлими “Далил” деб номланиб, унинг 42-моддасига кўра, жиноят иши ҳақида маълумот берувчи ҳар қандай фактлар далил ҳисобланади. Ушбу 7 турдаги далиллардан бири эксперт хулосасидир.

ЖПКнинг 82-моддасига кўра “суд муҳокамаси иштирокчилари” деганда, тарафлар, қонуний вакиллар, суд агентлари (ad litem), ҳимоячи, гувоҳ, эксперт, таржимон тушунилади.

14-бўлим тергов ва текширув деб номланиб, унинг 101-моддасига кўра терговчи тергов ўтказиши ва жиноят ишига алоқадор объектларни, инсонлар, мурдани текширишлари мумкин.

7-бўлим экспертиза деб номланиб, унинг 119-моддасига кўра жиноят иши бўйича муаммовий ҳолатлар юзага келганда, уларни ҳал қилиш талаб қилинганда экспертиза тайинланади ва эксперт ишга жалб қилинади.

120- моддада экспертнинг ўз тадқиқотини яқунлаб ҳолатни баҳолаганаидан сўнг хулоса бериши ва ўзининг имзоси билан уни тасдиқлаши баён қилинган.

Соғлиқка шикаст етказилганлик даражаси ва руҳий касалликлар юзага келганлиги сабабларини аниқлашга қаратилган тиббий диагностика юзасидан қарама-қарши фикрлар юзага келган тақдирда провинция даражасидаги орган томонидан тайинланган тиббий муассасада қайта экспертиза ўтказилиши мумкин. Қайта экспертиза ўтказилганидан сўнг эксперт ёзма хулоса бериши ва унга ўз имзоси ва касалхона муҳрини қўйиши талаб қилинади. Ёлғон хулоса берган эксперт қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

121- моддада жиноят ишини кўраётган орган ишда далил сифатида фойдаланиладиган экспертиза хулосаси билан гумон қилинувчи ва жабрланувчини таништириши талаб қилинади. Гумон қилинувчи ёки унинг ҳимоячиси ёки жабрланувчининг хулоса натижаларидан норозилиги акс этган аризаси орқали қўшимча экспертиза ўтказилиши мумкин.

151-модданинг диспозициясига кўра судья халқ суд мажлисини очиқ деб эълон қилишидан 3 кун олдин томонлар ва бошқа иштирокчилар қаторида экспертни ҳам чақириши талаб қилинади. 154-моддага кўра суд мажлиси очиқ деб эълон қилиниб, судья ҳамма процесс иштирокчилари қаторида экспертни ҳам таништириши талаб қилинади. Ушбу ҳолат экспертни рад этиш асосларини муҳокаманинг биринчи кунлариданоқ аниқлашни мақсад қилиб олади.

156-модда талабларига кўра давлат айбловчиси, тарафлар ҳимоячиси судьянинг рухсатига кўра, экспертга саволлар бериши мумкинлиги баён қилинган. 157-модда давлат айбловчиси ва ҳимоячи судга жиноятга алоқадор материаллар қаторида эксперт хулосасини ҳам тақдим қилиши керак.

158-моддага биноан агарда суд коллегияси тақдим этилган далилларни шубҳа остига олса, суд танаффус эълон қилиб далилларни текширишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширади. Шу ҳаракатлар қаторида эксперт хулосасини текширишга қаратилган ҳаракатлар ҳам кириб кетади. 159-моддага биноан суд муҳокамаси



жараёнида тарафлар, ҳимоячи, агентлар (ad litem) янги экспертизалар тайинланишини талаб қилиши мумкин.

Жанубий Корея Жиноят-процессуал кодекси 493 моддадан иборат бўлиб, унинг 13-боби “Эксперт кўрсатуви” деб номланади. Ундаги 169-модда эксперт кўрсатувиغا бағишланган бўлиб, унга мувофиқ суд тадқиқот ёки тажриба ўтказиш орқали далил аҳамиятига эга кўрсатув олиш талаб қилинганда экспертиза тайинланиши мумкин.

170- модда “Эксперт қасамёди” деб номланиб, унга мувофиқ эксперт хулоса беришидан олдин қасамёд қабул қилади. Қасамёд ёзма шаклда қабул қилинади ва унинг мазмуни қуйидагича бўлади: Мен ўз вижонимдан келиб чиқиб тўғри эксперт хулосани беришга қасам ичаман, агарда менинг хулосамда ёлғон бўлса, қонунда белгиланган ёлғон хулоса берганлик учун жавобгарликка тортилишга розиман.

171- модда “Эксперт ҳисоботи” деб номланиб, унга мувофиқ эксперт процессда ва фаолияти натижаси ҳисобланган ҳисоботни ёзма шаклда бериши талаб қилинади. Агарда ишда икки ёки ундан ортиқ эксперт-гувоҳ иштирок этадиган бўлса, улар алоҳида ёки биргаликда хулоса бериши талаб қилинади.

Эксперт хулосаси аниқ шакллантирилган бўлиши талаб қилинади. Ҳолат шуни тақозо қилганда эксперт-гувоҳ ўз хулосасидаги маълумотларни асослантириб бериши талаб қилинади.

172- модда “Суддан ташқари эксперт кўрсатувини бериш” деб номланиб, унга мувофиқ муҳим бўлган ҳолатларда суд суд залидан ташқари бўлган жойларда ҳам кўрсатув беришга имкон беради. Ҳолат шуни тақозо қилганда эксперт-гувоҳ учун маълумот аҳамиятига эга объектни текшириш мақсадида юборилиши мумкин. Қачонки судланувчининг психологик ва физиологик ҳолатини текшириш талаб қилинганда у тегишли касалхонага жойлаштирилади ва судланувчида шу давр мобайнида бўлган ўзгаришлар ҳақида гувоҳлик берилади. Гувоҳликни шахс касалхонадан чиққунга қадар берилиши талаб қилинади. Мазкур ҳолатда инсонни стационар тарзда текшириш учун экспертнинг хулосаси талаб қилинади.

Агарда суднинг талабига кўра судланувчини касалхонада стационар тарзда текшириш талаб қилинганда касалхона маъмурияти уни полиция томонидан кўриқланишини таъминлаш масаласини кўришини талаб қилиши мумкин. Суд тадқиқот учун инсон эркинлигини чегаралаш доирасини белгилашда уни узайтириш ёки қисқартириш масаласини кўриб чиқиши мумкин. Чекловнинг аниқ муддатлари белгилаб берилиши талаб қилинади.

172-2-модда экспертиза хулосасини бериш учун чекловлар ва шахсни ушлаб туриш ҳақида. Судланувчини ҳолати юзасидан хулоса бериш учун ушлаб туриш даврида эҳтиёт чораси сифатида қамоқ муддатининг ўтиши тўхтатиб турилади.

173- модда “Экспертга берилган фармойишнинг муҳимлиги” деб номланиб, унга кўра эксперт-гувоҳ муҳим бўлган ҳолатда ва вазият шуни тақозо қилганда фақатгина суднинг фармойиши (рухсати) билангина, инсоннинг турар жойини, бинони, муассасани, самолётни, кема ва тарнспорт воситаларини, инсонни ўрганиб чиқиш ва мурдани, қабрни текшириши, ашёни текшириш мақсадида шикастлашни амалга оширишга имкон берилади.



Суд рухсати билан эксперт-гувоҳнинг исми, фаолият муддати, судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, жиноят, текширилаётган шахс, мурда, ашё ҳақидаги маълумотлар киритилиши талаб қилинади. Эксперт- гувоҳ маълум ҳаракатни амалга оширишни бошлашидан олдин рухсатномани кўрсатиши талаб қилинади. Юқорида икки ҳолат суд залидаги эксперт-гувоҳ ҳаракатларига нисбатан тадқиқ қилинмайди, яъни рухсат олиш талаб қилинмайди.

174- модда эксперт-гувоҳ томонидан бериладиган саволлар бериш деб номланиб унга асосан, иш шуни тақозо қилинда эксперт-гувоҳ далилларни, ҳужжатларни текшириши ва улардан нусхалар олиши, раислик қилувчи судьянинг рухсати билан айбланувчининг ва гувоҳни кўздан кечириш, текшириш жараёнида иштирок этиши мумкин бўлади.

Эксперт-гувоҳ айбланувчи ёки гувоҳга нисбатан текшириш, экспертиза ўтказишни сўраши ёки судьянинг рухсати билан уларга нисбатан тадқиқот ўтказиши мумкин бўлади.

175 - модда “Судья топшириғи” деб номланиб, унга кўра суд коллегиял суднинг таркибида, эксперт-гувоҳга нисбатан тегишли чораларни кўриши мумкин бўлади. 176-модда эса тарафларнинг иштироки деб номланиб, прокурори, судланувчи ёки қарши томон ҳимоячиси экспертиза ўтказиш жараёнида иштирок этиши эксперт-гувоҳни сўроқ қилишлари мумкин бўлади.

177-модда “Тегишли чораларни қўллашни таъминлаш” деб номланиб, олдинги боблардаги тартибни таъминлаш мақсадида судга мажбурий келтириш таъминлашдан ташқари эксперт далилига ўзгартириш киритиш мумкин бўлади. 178-модда “Эксперт-гувоҳнинг харажатлари тўлови ва йўл транспорт учун кетган харажатларини қоплаш” деб номланиб, унга кўра эксперт-гувоҳ ўз хулосаси учун тўлов ва харажатларини қопланишини талаб қилиши мумкин, бундан ташқари унга йўл, кунлик, маълум бир уйда истиқомат қилинганлик учун харажатлар қопланиши мазкур Қонун талабларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

179-модда “Эксперт-гувоҳ” деб номланиб, агарда шахс махсус билимларига таянган ҳолда ўтмишда содир бўлган фактларга нисбатан тадқиқот ўтказа олса, у мазкур боб талабаларидан келиб чиқиб эксперт-гувоҳ бўла олади. 179-2-модда “Эксперт кўрсатувини таъминлаш” деб номланиб, унга асосан суд агарда бундай ҳолат тақозо қилса, бир хил объект ҳақида маълумот олиш ва уларни қиёслаш мақсадида мактаблар, шифохоналар, офислар, ассоциациялар ва ташкилотлар ва шунга ўхшаш техник таъминланган ташкилотлар экспертларидан ҳолат бўйича кўрсатув беришни талаб қилиши мумкин. Экспертнинг қасамёдига оид тартибга бу норма талаблари тегишли эмас.

Айрим ҳолатларда суд шифохона, мактаб, агентлик, ассоциация ходимларидан эксперт хулосасини, кўрсатувини тушунтириб бериш вазифасини қўйиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий мамлакатларнинг жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш борасидаги ижобий тажрибасидан унумли фойдаланиш миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизни янада такомиллаштириш ва ушбу институт самарадорлигини оширишда муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.



References:

1. Алимова Р., Отахўжаев С. Суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 4.
2. Аринушкина Г.П., Винберг Л.И., Шляхова А.Р. Назначение и производство криминалистических экспертиз. – М.: Юрид. лит, 1975. – С. 20.
3. Арсеньев К. К. Судебное следствие: Сб. практ. заметок. СПб., 1871. С. 326.
4. Болтаев Ҳ.Х., Урозбаев С.О., Байзаков Қ.К., Астанов И.Р. Жиноят ишени юритишда экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари. Услубий қўлланма. – Тошкент: Шарқ, 2016. – Б. 27.
5. Белкин А.Р. Теория доказывания: Научно-методическое пособие. – М.: Норма, 1999.– С. 111.
6. Белкин Р.С. Криминалистическая энциклопедия. – М.: Мегатрон XXI, 2000. – С. 70.
7. Бозров В.М., В.М.Кобяков. Судебное следствие. – Екатеринбург, 1992. – С. 26.
8. Бурков И.В., Мурзинов А.В. Заключение эксперта как вид доказательств. – Владимир: Транзит икс, 2001. – С. 5.
9. Винберг А.И. Основные принципы советской криминалистической экспертизы. – М.: Госюриздат, 1949. – С.53; Эйсман А.А. Заключение эксперта. – М.: Юрид. лит, 1967. – С.120-121;
10. Гросс Г. Руководство для судебных следователей как система криминалистики. СПб., 1908. С. 624-625.
11. Давтян А.Г. Экспертиза в гражданском процессе. – М.: Спарк, 1995. – С. 19.
12. Дулов А. В. Вопросы теории и судебной экспертизы в уголовном процессе., Минск, 1959. с. 5
13. Дулов А.В. Вопросы теории судебной экспертизы. – М.: Спарк, 1957. – С. 39-40.
14. Жиноят процесси. Умумий қисм. Дарслик / Проф. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2008.– Б. 400;
15. Иноғомжорова З.Ф., Тўлаганова Г.З., Никифорова Е.Н. Жиноят процесси. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. – Тошкент: Чўлпон, 2007. – Б.113;
16. Қўшаев Н.М., Файзиев Ш.Ф. Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари / Проф. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 167.
17. Зинин А.М., Майлис Н.П. Судебная экспертиза. Учебник. – М.: Право и закон. 2002. – С. 172; Майлис Н.П. Введение в судебную экспертизу. – М.: Закон и право, 2004. – 112 с; Россинская Е.Р. Судебная экспертиза в гражданском, арбитражном, административном и уголовном процессе. – М.: Норма, 2005. – С. 228-234.
18. Инамов Р.П. Криминалистика. Ўқув қўлланма. – “Фарғона” нашриёти, – 2009. – Б. 177.
19. Инамов Р.П. Криминалистика: Ўқув қўлланма. – Фарғона, 2009. – Б. 177.
20. Иноғомжорова З.Ф., Абдумажидов Ғ.А., Тўлаганова Г.З., Хидоятлов Б.Б., Алламурадов А.Т., Мадалиев О.М., Қўшаев Н.М., Нарзиев Й., Шахобиддинов Н.С. Жиноят процесси. Махсус қисм: Юридик институт ва



21. факультетлари талабалари учун дарслик / З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент.: ТДЮИ, 2008. – Б. 191.; Абдумажидов Г. Расследование преступлений. – Ташкент.: Узбекистан, 1986. – Б. 147.
22. Исаева Л. М. Специальные познания в уголовном судопроизводстве. М., 2002.
23. Кипнис Н.М. Допустимость доказательств в уголовном процессе. М.,Изд. Юристъ., 1995. С. 76
24. Комаринцев Б.М. Теория судебной экспертизы. – М.: Юрид. лит, 1964. – С. 21-22.
25. Комиссаров А.Ю., Пахомов А.В., Соколов С.В. Предупреждение экспертных ошибок при проведении криминалистической почерковедческой экспертизы: Методические рекомендации. – М.: ГУ ЭКЦ МВД России, 2001. – С. 4.
26. Крылов И. Ф. Судебная экспертиза в уголовном процессе. Л., 1963. С. 4
27. Кудрявцев А.В. Судебная экспертиза в уголовном процессе России. Монография. – Челябинск: Изд-во Юж.-Урал. ун-т., 2001. – С. 260.
28. Кудрявцев А.В. Судебная экспертиза в уголовном процессе России. Монография. – Челябинск: Изд-во Юж.-Урал. ун-т., 2001. – С. 61.
29. Лебедева В.М. Научно-практический комментарий к Уголовно- процессуальному кодексу Российской Федерации – М.: Торг. кори, «Дашков и К», 2003. – С. 409.
30. Donald E. Shelton Criminal Adjudication: The Challenges of Forensic Science Evidence in the Early 21st Century. A dissertation of Doctor of Philosophy. –Nevada, University of Nevada, Reno. 2010. – 265 p.
31. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. докт. дисс. – Тошкент. 2018 йил. 326 б.
32. Горянов И.И. Судебная экспертиза в современном уголовном судопроизводстве: правовое регулирование и правоприменительная практика: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РГБ, 2006. – С. 215.
33. Еремин С.Н. Заключение специалиста как новый вид доказательства в уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. - Краснодар. 2004. - С. 226.
34. Комиссарова Я.В. Концептуальные основы профессиональной деятельности эксперта в уголовном судопроизводстве: автореф. Дис.докт. юрид. Наук. – М., 2013. – С. 215.
35. Лазарева Л.В. Концептуальные основы использования специальных знаний в Российском уголовном судопроизводстве. док. дисс. – Владимир, 2011. – С. 249.
36. Махов В.Н. Теория и практика использования знаний сведущих лиц при расследовании преступлений. Дисс.... докт. юрид. наук: 12.00.09. - М, 1993. С. 254.
37. Мельник С.Л. Актуальные вопросы экспертной инициативы: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Челябинск, 2005. - С. 263.
38. Назаров В.А. Назначение и проведение экспертизы в уголовном процессе. Дис..канд.юрид.наук: 12.00.09. – М.: РБГ, 2003. – С. 314.
39. Харченко Д.А. Судебная экспертиза в российском уголовном судопроизводстве. Дисс канд. юрид. наук. – Иркутск, 2006. – С. 70.
40. Christopher Slobogin. The Structure of Expertise in Criminal Cases // Seton Hall Law Review. – (2003). – Vol. 34:105. – P. 226.



41. Абдуллаева М. Эксперт хулосаларининг далилий аҳамияти // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2009. – №8. – Б. 48- 49.
42. Бычков В.В. Назначение судебной экспертизы как право дознавателя и следователя. Российский следователь // Российский следователь. Юрист. – 2014. – №5. – С. 4.
43. Громов В.И. Заключение эксперта как источник доказательства.// Российская юстиция. М.,1997, N9, с.42-43
44. Громов В.И. Заключение эксперта как источник доказательства. //Российская юстиция. М., 1997, N9, с.42-43
45. Дильдин Ю.М., Бердник П.В., Зайцева Е.А. Практика работы экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел в условиях действия нового УПК РФ // Материалы 3-й научно-практической криминалистической конференции, состоявшейся 11 ноября 2002 года. – М.: МГЮА, 2002. – С. 7.
46. Комиссарова Я.В. О понятии предмета экспертизы // Судебная экспертиза: Межвуз. сб. науч. ст; Под ред. А.Г.Егорова. – Саратов: Сарат. гос. ун-т, 2001. – Вып. 1 – С. 12.
47. Кузякин Ю.Л., Россинский Б.В. Судебные экспертизы по делам об административных правонарушениях и сфере дорожного движения // Закон и право. – 2005. – №7. – С. 72.
48. Отахўжаев С.А. Нуриддинов А. ДНК экспертизаси – жиноятларни фош этишнинг янги омили // Ҳуқуқ ва бурч. – 2009. – №6. – Б. 43.
49. Отахўжаев С.А. Суд экспертизанинг ҳозирги босқичда долзарб муаммолари // “Ўзбекистонда суд экспертизасининг ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги Республика идоралараро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 24.
50. Педенчук А.К. Проблемы обеспечения достоверности заключения судебного эксперта. – М.: Юрид. лит. 1992. – С. 56; Корухов Ю., Орлов Ю., Эджубов Л. Оценка достоверности заключения эксперта // Социалистическая законность. – Москва, 1991. – №2. – С. 45-47.
51. Россинская Е.Р. Судебная компьютерно-техническая экспертиза. – М: Право и закон. – С. 239.
52. Россинская Е.Р. Судебная компьютерно-техническая экспертиза. – М.: Право и закон, 2001. – С. 69.
53. www.asia-business.ru/law/law1/criminal.
54. www.nap.edu.
55. Қирғизистон Республикаси ЖПК: Интернет веб манзили: www.cis-legal-reform.org